Ушбу сонда:
2 *Гиёҳвандлик - аср вабоси* ГИРДОБ
3 БОБУРНИНГ БУЮКЛИГИ ШОҲЛИГИДАМИ ЁКИ ШОИРЛИГИДА?
4 ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 14 феврал, шанба № 25 (1658)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ САМАРАСИ

***"Намангандонмахсулот" акциядорлик уюшмасининг бош корхонаси жорий йилдан бошлаб буғдой ва ун маҳсулотини хорижга экспорт қила бошлади.***

Корхона тарихидаги бу янгилик ғалла мустақиллигига эришганлигимизнинг яққол намунасидир. Бир вақтлар Ўзбекистон четдан ун маҳсулотларини сотиб оларди. Эндиликда ўзимиз экспорт қилаяпмиз.

Ушбу корхонада ўтган йилнинг март ойида Швейцариянинг "Бюллер" фирмасидан келтирилган замонавий технология ишга туширилганди. Унинг иш унуми жуда юқори бўлиб, бир кеча-кундузда 240-250 тонна уч навдаги юқори сифатли ун маҳсулоти ишлаб чиқарилмоқда. Маҳсулот жаҳон андозасига тўла жавоб беради. Корхона биргина Озарбайжон ва Тожикистонга етказиб берган маҳсулотидан 540 минг АҚШ доллари миқдорида соф фойда олади. Тушган даромадга корхона Ахсикент мавзесида макарон ва қандолатчилик заводи қурмоқчи.

**"Туркистон-пресс"**

*Қўшма корхона - хориж ишончи*





## 95 ФОИЗ МАҲСУЛОТ ЭКСПОРТГА

***«Кобул-Ўзбек Ко LTD» қўшма корхонаси мамлакатимиздаги йирик саноат даргаларидан бири. Ҳозирги вақтда бу ерда 3 минг 800 нафар киши меҳнат қиляпти. Уларнинг салкам 2500 нафарини хотин-қизлар ташкил қилади.***

Бугунги кунда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг асосий қисми, яъни 95 фоизи Европа, Америка ҳамда Осиё қитъаларининг кўплаб мамлакатларига жўнатиляпти. Бу эса корхона иқтисодий салоҳияти ва ишчи-хизматчилар меҳнат манфаатдорлигининг сезиларли тарзда ошишига хизмат қилмоқда. Жумладан, ишчиларнинг ойлик маоши ўртача 35-40 минг сўмни ташкил этаяпти. Шунингдек, улар учун бепул тушлик ташкил қилинган. Ишга бориб-келиш учун эса махсус автобуслар ажратилган.

Ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш, кўмакка муҳтожларга моддий-маънавий ёрдам кўрсатиш маъмурият ҳамда касаба уюшма қўмитасининг доимий диққат-эътиборида. Масалан, ўтган йили касабақўмга мурожаат этган 393 нафар ишчига уч миллион сўмдан ортиқ миқдордаги моддий ёрдам берилди. 22 нафар ишчи-хизматчи санаторий ва дам олиш уйларида соғлиқларини тиклади. Шу билан бирга ёзги мавсумда корхона ишчиларининг 97 нафар фарзанди «Нептун», «Чимён», «Бахт» каби болалар оромгоҳларида ҳордиқ чиқарди. Бунинг учун 3 миллион 714 минг сўм сарфланди.

- Мустақиллик байрами арафасида кам таъминланган ва кўп болали ишчиларимиз кўнгли шод этилди, - дейди корхона бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Шуҳрат Қосимов. - Аниқроғи, 344 нафар ходимимизга 2 миллион 64 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Қўшма корхонада маданий-маърифий ва спорт-соғломлаштириш ишларига ҳам катта эътибор қаратиляпти. Спортнинг футбол, волейбол, баскетбол, стол тенниси, шоҳмот ва шашка каби оммавий турлари бўйича мунтазам равишда мусобақалар ўтказиляпти. Ғолиблар муносиб тарзда тақдирланмоқда. Ҳаваскор спортчилар учун спорт буюмлари харид қилинган. Худди шунингдек, касабақўм ўзининг бой кутубхонасига эга. Ўтган йили кутубхонани янада бойитиш мақсадида катта миқдордаги янги китоблар сотиб олинди, кўплаб газета ва журналларга обуна бўлинди.

**Камол ОЛЛОЁРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**
**Икром ҲАСАНОВ**
**олган суратлар**

*Бандлик дастури амалда*

## «УСТА-ШОГИРД» УСУЛИ АФЗАЛЛИКЛАРИ

***Меҳнат ва бандлик борасидаги ислоҳотларни тобора чуқурлаштириш Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунида алоҳида бандлар билан белгилаб қўйилган. Ушбу дастур асосида меҳнат бозоридаги вазиятни соғломлаштириш, мавжуд ишлаб чиқариш кучларидан самарали фойдаланишни таъминлаш ва уларнинг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатиш ишлари Хоразм вилояти мутасаддиларининг ҳам диққат-эътиборида турибди.***

Ўтган даврда шаҳар ва туманлардаги меҳнат бўлимларига 32 минг 596 нафар киши мурожаат қилиб, рўйхатга олинган. Якунланган йил ва сўнгги икки ой оралиғида корхона ва ташкилотлар ҳамда тадбиркорлик фаолияти бу соҳада кенг жалб қилинганлиги боис, 21 минг 736 та янги ишчи ўринлари яратилди. Меҳнат бўлимларига мурожаат этганларнинг 29 фоизи қишлоқ хўжалиги корхоналарига, 39 фоизи кичик ва хусусий тадбиркорлик соҳаларига йўналтирилди.

Квоталанган иш ўринларидан самарали фойдаланилганлик натижасида Гурлан, Янгибозор, Хива ва Қўшкўпир каби бир қатор туманларда бу соҳадаги муаммолар барҳам топмоқда.

Аҳолини доимий иш билан банд бўлишини таъминлашда вилоятда касаначилик усулида меҳнатни ташкил қилишга эътибор кучайтирилди. Масалан, режада ана шу соҳа учун 760 нафар фуқарони жалб этиш назарда тутилганди. Амалда эса 850 нафар киши доимий иш ўрнига эга бўлди. Энг муҳими, касаначилик меҳнатига жалб қилинганлар орасида 485 нафар хотин-қизлар ҳам бор. Иш берувчиларнинг бу соҳага йўналтирган маблағи шу кунгача 26 миллион сўмдан ошди.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш натижасида ходимларни иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш дастури ишлаб чиқилди. Унга асосан Янгибозор туманида 10 та ширкат хўжаликларидан 742 нафар, Гурлан туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалигидан 224 нафар, Урганч туманидаги С.Қаландаров номли ширкат хўжалигидан 212 ва Шовот туманидаги «Шовот» ширкат хўжалигидан 137 нафар фуқаро қисқа фурсатда янги иш ўринларига эга бўлишди.

Республика Президентининг Амнистия тўғрисидаги Фармонига кўра жазо жойларидан озод қилинганларни доимий иш билан таъминлаш ва уларни моддий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Масалан, шу кунгача меҳнат бўлимларига мурожаат этган 205 нафар кишининг барчаси соҳасига қараб иш билан таъминланди. Шунингдек, 24 нафари ижтимоий муҳофазага олиниб, уларга ишсизлик нафақаси тайинланди.

Меҳнатни ташкил этиш ва янги иш ўринларини яратишда «Уста-шогирд» усулида касбларга йўналтириш вилоятда ижобий самара бермоқда.

Кейинги олти ой оралиғида ана шу дастур асосида саъй-ҳаракатлар қилинганлиги сабабли минг нафарга яқин ёшлар касб-корли бўлишди ва улар ишлаб чиқаришда фаол иштирок этишаяпти.

Ўтган даврда иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси томонидан кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларига янги жойлар ташкил қилишни кредитлаш учун тижорат банклари орқали 720 миллион сўмдан ортиқроқ маблағ ажратилди. Натижада 950 та иш ўринлари барпо этилди. Корхоналар талаби билан ишсизларни касб-корга ўқитиш ва қайта тайёрлашга ҳам аҳамият бериб келмоқда. Янгиариқ, Ҳазорасп, Шовот каби туманларда касбга йўналтириш кутилгандан-да, яхши самара берганлигини қайд этиш лозим.

Вақтинчалик ишсиз мақомини олган ва фойдали меҳнат билан банд бўлмаган ёшларни ҳунарли қилишда меҳнат ярмаркаларининг алоҳида ўрни бор. Шу кунгача барча туманларда мавжуд корхона ва ташкилотлар, тадбиркор ҳамда ишбилармонлар, фермерлар ҳамкорлигида бир неча бор меҳнат ярмаркалари ўтказилди. Иштирок этганларнинг 2272 нафари ўзлари танлаган соҳа бўйича иш билан таъминланиб, 142 киши янги ихтисосликлар бўйича касб ўрганишга йўналтирилди.

Корхоналарда меҳнат ҳуқуқи ва муҳофазаси ҳам назоратга олинган. Зеро, ишлаб чиқаришда унумдорликнинг ўсиши ва сифатли бўлиши кўп жиҳатдан ана шунга боғлиқдир.

Шу боис бу масала юзасидан кейинги ойларда 759 та корхона ва ташкилотларда қисқа муддатли таҳлиллар ўтказилди. Амалдаги қонун талабларига риоя этилмаганлиги боис 319 нафар мансабдор шахсга нисбатан жарима солинди. Юздан ортиқ ташкилотда меҳнат муҳофазаси меъёрларининг бузилганлиги аниқланди. Энг ачинарлиси, корхоналарда меҳнат хавфсизлиги талаблари қўпол равишда бузилганлиги боис ўтган йили 7 нафар киши бевақт ҳаётдан кўз юмди, 3 нафар киши эса оғир тан жароҳати олди.

- Таҳлиллар натижасига кўра, вилоят давлат меҳнат ҳуқуқи инспекцияси ходимлари билан ҳамкорликда алоҳида дастур ишлаб чиқдик, - дейди бош бошқарма раҳбари Рўзимбой Қурбонов. - Эндиликда ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалар юз бермаслигининг олдини олиш мақсадида туманларда ва корхоналарда семинар-кенгашлар уюштирилмоқда. Инспекторлар жойларга чиқиб, тушунтириш ишларини олиб боришаяпти. Ҳар ойда бир марта мутахассислар ўқуви ташкил этилиб, унга иш берувчилар ҳам жалб қилинган.

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Тадбиркорлик — давр талаби*

## ЧЎЛГА ҲАЁТ БАҒИШЛАГАНЛАР

Қизилқум, деганда кўз олдимизга бепоён кенгликларга ястаниб ётган қум барханлари келиши тайин. Ёввойи табиат бу ерларда не-не ўйин ясамаган дейсиз. Чўл бўрони, қуюнлари турганда қумлар бир жойдан иккинчисига кўчиб тепалар ҳосил қилади. Увлаган бўрон кўз очирмайди, оғзи-бурнингизга қум тиқади, ҳозиргина ўтиб келган йўлингизда зум ўтмай пайдо бўлган ўркач-ўркач барханларни кўриб ваҳима тушасиз. Конимехдан Қизилқумгача бўлган икки юз ўттиз километр асфалт йўл атрофидаги қурилмаларда яшнаб турган саксовул, юлғун ва бошқа чўл ўсимликларигина бўрон довулларга бемалол бардош беради, йўлларни, овулларни қум кўчишидан асрайди. Чўлни азалий макон тутган эчкиэмар, калтакесагу юмронқозиқларга, паррандаю даррандаларга озиқ беради. Чўлнинг ёзилмаган қонунларини билмаган, ёхуд унга атайлаб итоат қилмаган одамлар доғда қолади. «Қизилқум» наслчилик ширкат хўжалиги касаба уюшма қўмитаси раиси Қидирбой, оғалари хўжалик раиси Миқтибой Утемуратовлар ҳам ана шу чўл бағрида туғилиб ўсишган. Сизнинг назарингизда қип-қизил қум бўлиб кўринган ялангликлар улар учун жаннатмакон ўлкаларга айланади. Миқтибой оға минг эшитгандан бир кўрган афзал, деб бизни хўжалик маркази Учтепадаги шинам ва гўзал мактаб, овул шифохонаси, яқиндагина ишга туширилган қишлоқ врачлик пункти, қариялар чойхонаси ва бошқа маданий-маиший объектларга етаклади. Кўркам ва жозибакор бинолар. Улар ташқаридан бир сўм ҳам ёрдам олинмасдан хўжаликнинг ўз ички имкониятлари асосида қурилган.

Учтепаликлар азалдан болажон халқ. Уларнинг ўқишию соғлиги учун нимаики лозим бўлса, барчасини беришади. Биргина ўтган йилнинг ўзида мактабларни, шифо масканларини таъмирлаш, жиҳозлаш, дори-дармон ва ўқув қуроллари олишга 15 миллион сўмга яқин маблағ сарфланибди. Овулда спортни ривожлантиришга бўлган эътибор айниқса, мақтовга арзигулик. Боқувчисини йўқотганлар, кам даромадлилар, қарияю ночорлар ҳамиша эътибор, марказида. Уларнинг ижтимоий ҳимоясига хўжалик ҳисобидан 36 миллион 663 минг сўм сарфланди.

Учтепада ҳаёт қайнайди. Одамлар эртанги кун ташвиши билан яшамоқда. Бу ерда деҳқончилик билан шуғулланишнинг ҳеч бир имкони йўқ. Қудуқлардан чиқаётган чучук сув одамлар, чорвага етса ҳам катта гап. Демак, тирикчилик манбаи фақат чорвачилик. Шунинг учун бугунги кунда Қизилқум яйловларида 62 минг бош қўйлар, от ва туя подалари ўтламоқда. Тадбиркорлик билан иш юритиш туфайли моллар туёқ сони йилдан йилга ошмоқда. Бу қут-барака дегани. Ўтган хўжалик йилидан 350 миллион сўм соф фойда кутилаётгани, хўжаликда самарадорликнинг 98 фоизга етгани ҳам бунинг яққол исботидир.

**Ялғош САРИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## ВИЛОЯТ ФАОЛЛАРИ ЙИҒИЛИШИ

***Йиғилиш вилоятни 2003 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислоҳотлар боришини баҳолаш ҳамда 2004 йилда иқтисодиётни янада эркинлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланди.***

***Йиғилишни вилоят ҳокими К.Тўлаганов бошқарди.***

Ўтган йили вилоятда иқтисодий ислоҳотлар изчил амалга оширилди. Макроиқтисодий барқарорлик таъминланди. Ялпи ички маҳсулот, саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, аҳолига пулли хизмат кўрсатиш ҳажми анча ортди.

Пул-кредит сиёсатини қатъийлаштириш борасидаги чора-тадбирлар самараси ўлароқ, аҳоли даромади 4,2 фоизга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилаётган кредит миқдори 14 фоизга ўсди.

Лекин, иқтисодиётни ислоҳ қилишга доир масалалар тўлиқ ечимини топгани йўқ. Жойларда шартнома интизоми, деҳқон ва фермер хўжаликлари етиштираётган маҳсулотларни қайта тайёрлашнинг амалий тизими яратилмаган. Хўжалик бошқарувида маъмурий буйруқбозлик тўла барҳам топгани йўқ.

Капитал қурилиш соҳасида ҳам ислоҳотлар суст бораётгани, пудрат ва лойиҳалаш ишлари кўнгилдагидек эмаслиги қайд этилди. Ижтимоий-иқтисодий соҳада йўл қўйилган хато ва камчиликлар атрофлича таҳлил этилди.

Халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашининг яқинда бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида ва Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил якунларига бағишланган йиғилишида Президентимиз томонидан белгилаб берилган вазифаларни бажаришда вилоят меҳнаткашлари олдида турган вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди. Жорий йилда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар режаси, мавжуд камчиликларни бартараф этишнинг аниқ чора-тадбирлари белгиланди.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**(ЎзА)**

## СТАДИОН ВА МАҲАЛЛА ГУЗАРИ

Қумқўрғон туманидаги «Сурхон» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ўтган йили буюртмачиларга бир ярим миллиард сўмлик қурилиш материаллари етказиб берди. Корхонада 61 турдаги маҳсулот тайёрланади. Маҳсулотлар қўшни давлатларга, жумладан, Туркманистонга ҳам экспорт қилинмоқда.

Корхона фақат сифатли қурилиш маҳсулотлари тайёрлаб қолмасдан, туман қишлоқларини ободонлаштириш, болалар спортини ривожлантиришга ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Унинг кўмагида С.Бойматов ва Н.Мирзаев номидаги ширкат хўжаликлари марказида 300 ўринли стадион ва маҳалла гузарлари барпо этиляпти.

*Шарҳловчи минбари*

## НЕФТ ҚАЗИБ ЧИҚАРИШ КАМАЯДИМИ?

***Жазоирда бўлиб ўтган нефт экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти (ОПЕК) анжуманида кунлик нефт қазиб чиқариш миқдорини камайтириш масаласи муҳокама қилинди.***

Мазкур масала қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Хусусан, Эрон, Бирлашган Араб Амирликлари ва Жазоир нефт қазиб чиқариш ҳажмини камайтиришдан норозилик билдирди. Кувайт, Ироқ ва Ливия вакиллари эса мутахассисларнинг баҳорда нефтга талаб пасайиши ҳақидаги фикрига қўшилиб, уни қазиб олишни қисқартиришга хайрихоҳлик билдирди.

Халқаро энергетика агентлигининг тахминига кўра, жорий йилнинг апрел-июн ойларида нефт маҳсулотларига кунлик талаб дунё бўйича 2,6 миллион баррелга қисқарар экан. Ҳозир ОПЕКка аъзо мамлакатлар кунига 24,5 миллион баррел нефт қазиб чиқармоқда.

РАТА-ТАСС агентлиги тарқатган хабарларга қараганда, анжуман иштирокчилари 1 апрелдан нефт қазиб чиқариш ҳажмини бир миллион баррелга камайтиришга келишиб олган.

ОПЕКнинг мазкур қарори халқаро бозорда акс-садо бериб улгурди. АҚШ ва Лондон биржаларида бир баррел «қора олтин»нинг баҳоси 66 центга қимматлашиб, 28,75 долларга тенглашди.

Ташкилотнинг янги раҳбарини сайлаш масаласи ҳам анжуман кун тартибига киритилган эди. Лекин томонлар бир тўхтамга кела олмади. Индонезия табиий захиралар ва энергетика вазири Пурномо Юсгиантоpo бош котиб вазифасини бажармоқда.

Кузатувчилар, анжуманда келгусида нефт маҳсулотлари савдосини АҚШ доллари билан эмас, балки евродa амалга ошириш масаласи кўриб чиқилади, деган башоратни айтган эди. Бироқ бу масала сессия кун тартибига қўйилмади.

ОПЕКнинг собиқ бош котиби Алваро Силва Калдерон анча олдин бу масалага тўхталиб, доллардан еврога ўтиш ниҳоятда мураккаб иш эканини таъкидлаган эди. Шу йил январ ойида доллар қиймати еврога нисбатан сезиларли даражада пасайганидан сўнг ташкилот аъзолари бу масалада иккиланиб қолди.

Кузатувчилар нефт қазиб чиқаришни камайтиришни вақтнинг ўзи талаб этаётганини таъкидлаётир. Акс ҳолда, унинг баҳоси 4-5 долларга арзонлашиб кетиши мумкин экан. Аммо соҳа мутахассислари бу борада шошма-шошарликка йўл қўйиб бўлмайди, деган фикрда. Улар бу йўл нефт нархига ҳам, жаҳон бозоридаги барқарорликка ҳам хавф солиши мумкин, дейишмоқда. Шу боис мазкур масала 31 март куни Венада ўтказилиши режалаштирилган ОПЕКнинг навбатдаги анжуманида яна муҳокама этилади.

**Фазлиддин АРЗИЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

## МУРУВВАТ УЙЛАРИГА ЖИҲОЗЛАР

Тошкент шаҳрининг 2-сонли "Мурувват" уйида мамлакатимиздаги болалар мурувват уйларига жиҳозлар топшириш маросими ўтказилди. Жиҳозлар Қорақалпоғистон республикаси, Андижон, Фарғона, Қашқадарё вилоятларидаги ҳамда пойтахтдаги ва 2-сонли "Мурувват" уйларига топширилди.

Жорий йилнинг ҳукуматимиз томонидан "Меҳр ва мурувват йили" деб эълон қилиниши муносабати билан "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси ўз дастурлари ва режаларини ишлаб чиқди. Жамғарма дастурлари ногирон болаларни қўллаб-қувватлашга, реабилитация ўтказишга ва хайрия ёрдам кўрсатишга йўналтирилган.

Жумладан, жамғарма ташаббуси билан Халқаро ногиронлар кунга бағишлаб "Ипак йўли" камер хори иштирокида хайрия концерти ўтказилди. Мазкур хайрия концертидан тушган маблағларга мамлакатимиздаги болалар "Мурувват" уйларига жиҳозлар сотиб олиш режалаштирилган эди. Жамғарманинг ҳудудий бўлимлари ёрдамида болалар мурувват уйларини талаб ва эҳтиёжлари ўрганиб чиқилиб, 5 та телевизор, 5 та видеомагнитафон, 5 та картошка артгич ускунаси ҳамда спорт жиҳозлари харид қилиниб, мурувват уйларига топширилди.

## СИФАТИ КАФОЛАТЛАНГАН

«Андижондонмаҳсулот» акционерлик уюшмасида ишлаб чиқарилаётган ун сифати анча яхшиланди. Энди вилоят аҳолиси фақат бу ерда тайёрланган унни харид қилишни маъқул кўрмоқда. Нархи ҳам арзон, истеъмол хусуситялари ҳам юқори. Бунга уюшманинг тегирмон цехини реконструкция қилиш ва технологик линияни янгилаш туфайли эришилди.

- Швейцария технологияси асосида Россияда ишлаб чиқарилган ускуналар юқори сифатли ун тайёрлаш имконини бермоқда, - дейди акционерлик уюшмаси раисининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Т.Ўрозов.

Қирқ йил бурун қурилган цехда яқин вақтгача сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш имкони йўқ эди. Боз устига тадбиркорлар томонидан келтирилган ва ишлатилаётган кўплаб тегирмонлар ҳам акционерлик уюшмаси билан муваффақиятли рақобатлашаётганди.

Ҳозир «Андижондонмаҳсулот» акционерлик уюшмаси ўз бозорига эга бўлиш билан бир қаторда 2004 йилнинг биринчи чорагида Қирғизистонга 5000 тонна маҳсулот етказиб бериш бўйича шартнома тузди. Бунинг устига, уюшмада тайёрланаётган маҳсулот четдан келтирилган ускунада ишлаб чиқарилаётган қопларга шу ернинг ўзида қадоқланмоқда. Навбатдаги вазифа эса «Ризқ» акционерлик жамиятини ҳам реконструкция қилишдир.

**(ЎзА), "Туркистон-пресс"**

## НИҲОЛ КЎЧИРИШДАГИ ЯНГИЛИК

Оҳангарон ўрмон хўжалигида ниҳолларни кўчириб ўтқазиш бўйича янгиликка қўл урилди. Хўжаликнинг истеъмол моллари цехида дарахт кўчатларини тупроғи билан кўчиришга мўлжалланган ёғоч саватлар тайёрланмоқда. Ҳозирга қадар шундай идишлардан икки мингта ишлаб чиқарилди.

- Хўжалигимизда етиштирилаётган «Зарафшон» арчаси, Моржевельник, Қрим қарағайи, Туя каби ноёб манзарали дарахт кўчатларига талаб юқори, - дейди бош ўрмончи Тўлқин Жонишев. - Уруғдан униб чиққан ўн-ўн беш йиллик ниҳолларни бошқа жойга кўчириш анча машаққат талаб этади. Тупроғи билан қўшиб экилмаса, қайта кўкариши қийин. Бу ишда махсус саватлар жуда қўл келади.

Оҳангарон ўрмончилари бу йил «Тошкент-Ғазалкент» йўли ёқасига ўн беш минг туп дарахт кўчати ўтқазиш ниятида. Хўжаликда ҳозир баҳорги ободончилик ишлари учун 300 минг туп мевали ва манзарали дарахт ниҳоллари тайёр.

*Истиқлол берган имкон*

***«Тошкент лак-бўёқ заводи» очиқ акционерлик жамиятининг ўзига хос тарихи бор. Корхона қурилиши 1945 йил бошланганди. Дастлабки маҳсулотини 1947 йилдан бера бошлади. Республикамиз мустақилликка эришгач, мазкур корхонада ҳам ташаббус кўрсатиб ишлашга кенг йўл очилди. Натижада ишлаб чиқариш ҳажми ҳамда сифати йил сайин ошди. Биргина ўтган йилнинг ўзидагина 8 миллиард 997 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилганлиги ҳам фикримизни тасдиқлаб турибди.***

# «ТОШКЕНТ ЛАК-БЎЁҚ ЗАВОДИ»

## Цюрих ва Нью-Йорк кўргазмалари совриндори

Корхона 1999 йилдан бошлаб акциядорлик жамиятига айлантирилди. Айни пайтда мазкур жамоада 940 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 2003 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2004 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида ислоҳотлар ва ўзгаришлар йўлида фақатгина эришилган марралар билан чекланиб қолиш асло мумкин эмаслиги, иқтисодиётдаги ўзгаришлар ҳеч қачон ниҳоя билмаслигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Юртбошимизнинг ана шу сўзларидан келиб чиқиб, корхонада ҳозирги кунда изланиш мудом давом этмоқда. Бунда асосий эътибор маҳсулот сифатини яхшилаш ва унинг миқдорини кўпайтиришга қаратилмоқда.

– Айрим корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати харидорлар талабига жавоб бермаслиги туфайли туриб қолмоқда. Мана шундан хулоса чиқариб «Рангли бўёқ» кичик корхонаси ташкил этганмиз, - дейди бош технолог Фаррух Умаров. – Натижада янгидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотимизнинг дастлабки туркуми шу ерда тайёрланмоқда. Улар истеъмолчиларга манзур бўлгандагина асосий цехларда тайёрлаш йўлга қўйилмоқда.

Ҳиссадорлик жамиятида маҳсулотнинг ташқи кўринишига ҳам эътибор берилади. Айни кунларда трафаретли босма цехида ишлаб чиқарилган чиройли идишларга бўёқ қуйилиб, пешма-пеш савдо шохобчаларига жўнатилаяпти. Шу ўринда корхона қошида ташкил этилган маркетинг бўлими ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш жоиздир. Бу ерда республика ички бозоридаги корхона маҳсулотига бўлган талаб ўрганилмоқда. Корхона ёрлиғи билан иш кўриб, бойимоқчи бўлган сохта «тадбиркор»ларга қарши кураш ҳам мазкур бўлим зиммасида.





Илгарилари бўёқ ишлаб чиқаришда кунгабоқар ёғи, титан пигменти ва шунга ўхшаш хом ашёлар четдан келтириларди. Табиийки бу нарса маҳсулот таннархи юқори бўлишига олиб келади. Шу боисдан ҳам корхона мутахассислари Фарғонадан эритувчи модда – нефрас, Қаршидан мел ва микрокальцит кимёвий моддаларини олиб келиб қўллаш устида изланишмоқда.Германия ҳамда Америка Қўшма Штатларидаги иш тажрибалари ҳам ўрганилмоқда.

Ана шу изланишлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Хусусан бу ерда тайёрланаётган маҳсулот Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон ҳамда Украинага экспорт қилинмоқда. Корхона Цюрих ҳамда Нью-Йорк шаҳарларида бўлиб ўтган кўргазмаларнинг дипломларига сазовор бўлди.

Бу ерда ишчилар сулолаларини кўплаб учратиш мумкин. Масалан, Раҳматуллаевлар оиласини олиб кўрайлик. Оила бошлиғи Абдусаттор ака узоқ йиллар мазкур корхонада ишлади. Айни пайтда фарзандлари Анвар, Суннат, Зироат, Рустамлар ҳамда набираси Азизхўжа унинг ишини давом эттиришмоқда.

Корхона раҳбарияти ҳамда касаба уюшма қўмитаси ишчиларга шарт-шароит яратиб бериш, уларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Таъмирдан чиқарилган кенг ошхона ишловчилар хизматида. Ишчи-хизматчиларнинг ишга келиб-кетишлари учун бешта автобус ажратилган. Уларнинг олий ўқув юртларида билим олаётган фарзандларига шартнома асосида ўқишлари учун ҳам турли имтиёзлар яратилган.

**Н.РАФИҚОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Ташаббус сўнмасин, ташаббус ўлмасин!*

# ЮРТИМИЗНИ

## боғ-роғларга буркайлик

Ўтган йили юртимизга сеҳрли диёр - Америка Қўшма Штатларидан ташриф буюрган обрўли меҳмонлардан бири «Тупроғига бугун чўп қадасанг, эртасига шиғил-шиғил мева берадиган ажойиб ўзбек замини ер юзида бошқа йўқ», дея эътироф этган эди. Дарҳақиқат, юртимиз чин маънода жаннатмакон ўлка. Хусусан, серқуёш Ўзбекистонимизнинг энг серқуёш воҳаси ҳисобланган Сурхондарёнинг ўзига хос ажойиб иқлимида нав-ниҳоллар ҳар қачон ҳам мустаҳкам илдиз отади, гуллаб-яшнайди.

Яқинда вилоят касаба уюшмалари Кенгашининг Раёсат йиғилишида хайрли ташаббус ўртага ташланди. Воҳани боғ-роғларга буркаш мақсадида ҳар бир касаба уюшма аъзоси ўн тупдан мевали ва манзарали дарахт кўчатларини ўтқазиш тўғрисидаги қарор қабул қилинди. Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма вилоят қўмитаси аъзолари бошқаларга ўрнак кўрсатиб, шу куннинг ўзидаёқ арча, хурмо, ёнғоқ кўчатларини экдилар.

Хайрли ишнинг қаноти бор, дейдилар. Юқоридаги ташаббус тезда бутун воҳага қулоч ёзди. Термиз, Ангор, Олтинсой, Қумқўрғон, Шеробод, Музробод, Сариосиё каби туманларда катта йўллар, хиёбонлар, дала бошларида тутзорлар, айрим фермер хўжаликларида эса боғлар ташкил этиш ишлари зўр иштиёқ билан бошлаб юборилди.

— Туманимиз меҳнаткашлари асосан боғдорчилик билан шуғулланади, — дейди Олтинсой туман ҳокими, Олий Мажлис депутати Рустам Алимов. — Ташаббусни қўллаб-қувватлаган фуқароларимиз айни кунларда кўчат ўтқазиш ойлигини ўтказишмоқда. Туманимиздаги барча ташкилот ва муассасалар ходимлари ўз ҳудудларида манзарали дарахт кўчатларини экишга улгурдилар.

Қумқўрғон туманидаги Сафар Бойматов номли ширкат хўжалиги аъзолари экин майдонлари бошига 10 минг туп тут, йўл ёқаларига 45 минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлар экиб, парваришлашяпти. Хўжалик касаба уюшма қўмитаси раиси Дониёр Жовлиевнинг таъкидлашича, яна 35 минг туп кўчат ўтқазиш режалаштирилмоқда.

Ангор тумани аҳли воҳани боғистонга айлантиришдек муҳим ишга катта масъулият билан ёндошмоқда. Шу сабаб ҳам ангорликлар бу борада барчага намуна бўлишяпти. Ҳозиргача туман ҳудудида юз минг тупдан зиёд мевали-манзарали дарахт кўчатлари илдиз отди.

Хуллас, сурхондарёликлар бошлаган хайрли ташаббус эрта-индин, албатта ўз мевасини беради. Воҳа боғ-роғларга, гулистонга айланади. Зотан, Сурхон аҳлининг бугунги ғайрати, шижоати, иштиёқи шундан дарак бериб турибди.

**Рустам ДАВЛАТ,**
**«Ишонч» мухбири**

# ЙЎЛОВЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

***Йўловчиларга намунали хизмат кўрсатишни йўлга қўйишда «Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмаси томонидан қатор тадбирлар амалга оширилятпи. Давлат уюшмасига қарашли 8-автосарой жамоаси ҳам аҳоли узоғини яқин қилишдек савобли ишдан четда қолмаётир.***

Айни пайтда бу ерда 106 та йўловчи ташишга мўлжалланган, хорижда ишлаб чиқарилган замонавий русумдаги автоуловлар мавжуд бўлиб, уларнинг 70 тасини Германиядан келтирилган «Мерседес-Бенц» автобуслари ташкил этади. Тезюрарлиги, ихчамлиги, салоннинг кенг ва қулайлиги билан йўловчиларга манзур бўлаётган бу автоуловлар 13 та йўналиш бўйича хизмат кўрсатмоқда. Алоҳида таъкидлаш лозимки, 222 нафар юқори малакали ҳайдовчилар хизмат қилаётган жамоада меҳнат интизоми қатъий йўлга қўйилган. Бу эса иш унумини оширишда катта аҳамият касб этмоқда. Жумладан, ўтган йил давомида шаҳар йўналишларида жами 46,7 миллион йўловчи ўз манзилларига элтилди. Бошқача қилиб айтганда, режа 101,7 фоизга бажарилиб, давлат бюджетига катта миқдордаги маблағ туширилди. Шу билан бирга, меҳнат манфаатдорлигининг юқорилиги ҳам муваффақиятлар омили бўлаяпти. Бинобарин, автокорхонада ўртача ойлик иш ҳақи 100 минг сўмни ташкил этмоқда. Белгиланган иш режасини барвақт адо этган ҳайдовчилар эса рағбатлантириляпти.

Аҳолига янада юксак савиядаги хизматни ташкил этиш учун жамоа кўплаб саъй-ҳаракатлар олиб бормоқда. Шу мақсадда яқин орада автосаройга Туркияда ишлаб чиқарилган замонавий русумдаги 100 та автобус келтириш мўлжалланган.

**О.ЭРГАШЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

Туманимизда баҳор байрами – Наврўзга тайёргарлик бошланиб кетди. Айни кунларда қишлоқ ва маҳаллаларда йўл бўйларидаги ариқлар тозаланиб, кўкаламзорлаштиришга катта эътибор қаратиляпти.

## ҲОЗИРЛИК БОШЛАНДИ

«Энг чиройли кўча», «Энг обод маҳалла», «Фаол спортчилар маҳалласи» сингари номинациялар бўйича беллашувларга қизғин ҳозирлик кўриляпти. Ғолиблар Наврўз байрами арафасида маълум қилиниб, туман маҳалла жамғармасининг қимматли эсдалик совғалари билан тақдирланади. Қадимий анъана ва қадриятларимизни акс эттирган байрам кунлари шунингдек, кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилалар, ёлғизлар ва ногиронларга меҳр-саховат кўрсатиш ҳам кўзланган.

**Матёқуб ОТАХОНОВ,**
**Шовот туманидаги «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси**

*Маъмурият ва касаба уюшма ҳамкорлиги*

# ЎРТАЧА МАОШ 75 МИНГ СЎМ

Ўтган йил «Урганч экскаватор» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида жамоа шартномасида кўрсатилганидек, ишчи-хизматчиларни ижтимоий-ҳимоялашга 4,1 миллион сўмлик, меҳнатни муҳофаза қилиш ишларига 10 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Бунга раҳбарият ва касабақўм ҳамкорлиги натижасида эришилди.

- Бултур 3 миллиард 281 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, режани 124 фоизга бажардик, - дейди ҳиссадорлик жамияти раиси М.Қурбонниёзов. - Корхона асосан «ЭО-4111» русумли экскаваторларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Ўтган йилнинг ўзида ана шундай техникадан 60 донаси ишлаб тайёрланди. Уларнинг бир қисми Россия, Украина, Қозоғистонга сотилди.

Ҳиссадорлик жамиятида моддий рағбат кучайтирилганлиги боис йилдан-йилга самарадорлик ортмоқда. Ўтган йили ишчи-хизматчиларнинг ўртача ойлик маоши 75 минг сўмга тўғри келди. Кам таъминлаган оилаларга 2,7 тонна буғдой ва гуруч тарқатилди. Байрам тадбирларини нишонлаш учун 4,2 миллион сўм сарфланди. Ҳиссадорлик жамиятида ишлаб, нафақага чиққанларга моддий ёрдам кўрсатилди. Байналмилалчи жангчилар, уруш қатнашчилари ҳам бундай мурувватлардан қуруқ қолишмади.

Корхона қошидаги тиббий марказ ишга тушиш арафасида. Айни чоғда бу ерга 3 миллион сўмлик тиббий асбоб-ускуналар олиб келинди. Марказда ички касалликлар, тиш ва томоқ, бурун касалликлари даволанади, турли хил муолажалар ҳамда диагностик ишлар амалга оширилади.

Йил давомида ишчиларга ёрдамчи хўжаликда етиштирилган 29,5 миллион сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотилди. Бундан ташқари, ҳар куни ишчи-хизматчиларга бепул тушлик берилади. Жамоа ўтган йили вилоят туғруқхонасини ривожлантириш жамғармасига, Урганч шаҳридаги Х.Сойипов номли ўрта мактабга ҳомийлик ёрдами кўрсатди.

- Ишчи-хизматчиларга кўрсатилаётган ғамхўрлик меҳр-мурувват йилида янада кучаяди,-дея суҳбатни давом эттирди корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Р.Полвонов.— Бошқача айтганда бу йил бу рақамни 200 миллион сўмга чиқаришни кўзлаяпмиз.

**Э.ЭРМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Гиёҳвандлик - аср вабоси*

***Тўрткўл тумани жиноят ишлари бўйича суд биносида очиқ суд мажлиси бўлиб ўтди. Иш судья Эркабой Сабуров раислигида, туман прокурор ёрдамчиси, халқ маслаҳатчилари ҳамда адвокатлар иштирокида кўрилди. Унда Ибрагим Маҳмудов ва Зулхумор Бергановалар Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 273-моддаси 5-қисмига кўра айбланди.***

# ГИРДОБ

Ибрагим Маҳмудов асли Сурхондарё вилоятининг Узун туманидан. Бироқ у Тошкент шаҳрида рўйхатда туради. Ҳеч қаерда ишламайди. Муқаддам судланмаган. 4 нафар фарзанди бор. Зулхумор Берганова эса Тошкентда туғилган. Хоразм вилояти Ҳазорасп туманида яшайди. Олдин судланган. Президентимизнинг Амнистия тўғрисидаги Фармонига кўра жазодан озод қилинган. 5 нафар фарзанди бор. Уларнинг 4 нафари ҳали балоғат ёшига етмаган.

Шундай қилиб, Зулхумор Тошкент шаҳрида ўзи ижарада турадиган уйда эди. Кунлардан бир кун таниши Гулчеҳра Ақназарова бир эркак билан келиб қолди. У «қаҳрамонимиз» Ибрагим Маҳмудов эди. Хоразм ва Қорақалпоғистон гуручнинг макони. Шу боис Ибрагим у ёқдан гуруч олиб келиб, «бизнес қилиш» ниятида эканлигини айтди. Кўр кўрни қоронғида топади, деганларидек, улар бир-бирини сўзсиз тушунишди. Ҳамкор, шерик бўлишди.

Орадан кўп вақт ўтмай, Ибрагим Тўрткўл сари йўл олди. Сарҳадсиз саҳро ҳам, йўл азоби ҳам ортда қолди. Тун зулмати чекиниб, нурафшон тонг отди. Кўмкўк ҳаёт нашидасига бурканган Тўрткўл кўринди. Ибрагим шаҳар марказида автобусдан тушди. Келишилганидек, Зулхуморнинг қариндоши марҳум Неъматжон Сафоевникига йўл олди. Мезбон уни самимий қаршилади. Зулхумор эса шу ерда кутиб ўтирарди. Дастурхон тўкин бўлди. Маслаҳат ҳам пишди. Неъматжон Ибрагим олиб келган 50 грамм героинни сотиш учун харидор топадиган бўлди. Асл нияти шу эди, аммо Неъматжон кўчага чиқди-ю, фикри ўзгарди. Эҳтимол виждони тилга кирган-дир. У тўғри ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг бирига борди ва уларни бор гапдан хабардор қилди. Шундан кейин жиноятчиларга тузоқ қўйилди. Беруний шаҳридаги қишлоқ хўжалик коллежи олдида кутиб турган «харидор»ни кўришга Ибрагимнинг юраги бетламади. Шунинг учун у ҳар граммига 45 минг сўмдан ҳисоблаб, 50 грамм героинни Зулхуморнинг қўлига тутқазди. Ўзи эса Н.Сафоевникида қолди. Неъматжон билан Зулхумор етиб келишганида, аллақачон «харидор»нинг кўзи тўрт бўлиб турарди. Зулхумор осонгина тўзоққа илинди. Холис гувоҳлар иштирокида тинтув ўтказилганида И.Маҳмудовнинг чўнтагидан яна 3 грамм героин топилди.

Бузоқнинг югургани сомонхонагача, деганлари рост экан. Узунлик йигитнинг саргузашти шу ерда ниҳоясига етди. Судда Зулхумор айбига иқрор бўлди. 5 нафар фарзандини ўртага солиб, енгилроқ жазо тайинланишини сўради. Бироқ Ибрагим қилмишларидан тониб тураверди. Лекин инкор қилиб бўлмас далиллар унга қарши сўзларди. Суд кимё экспертизаси оқ рангли, ўткир ҳидли жами 53 грамм кукуннинг «героин» гиёҳвандлик воситаси эканлигини исботлади. Суд-наркологик экспертизаси эса судланувчиларнинг қони тоза эканлигини, унда гиёҳвандлик аломатлари йўқлигини аниқлаб берди.

Хуллас, судда улар фақат сотиш, бойлик орттириш билан шуғулланганлари маълум бўлди. Ўзлари эса бу аср вабосининг ҳаёт учун заҳар эканлигини англаган. Лекин бировнинг боласи гирдобга ботса ботавермайдими, уларнинг нима иши бор. Шунинг ўзи инсонийликдан мосуво бўлиш, руҳий инқирозга, тубанликка юз буриш эмасми!..

Ҳукм ўқилди.

**Шарофат ИСКАНДАР қизи,**
**«Ишонч» мухбири**

# «ҚЎЙЛИҚ ДЕҲҚОН БОЗОРИ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА:

**2004 йил 16 март куни соат 11.00 да жамиятнинг 2003 йил молиявий – хўжалик фаолиятига бағишланган акциядорларнинг навбатдаги Умумий мажлиси «Қўйлиқ Деҳқон бозори» 8 блок, 2 қаватда бўлиб ўтишини маълум қилади: Акциядорларни рўйхатга олиш соат 10.00 да бошланади**

***КУН ТАРТИБИ:***

*1.«Қўйлиқ Деҳқон бозори» ОАЖ нинг 2003 йил якуни бўйича иш фаолияти юзасидан жамият бошқарув раисининг ҳисоботи.*

*2. Жамият бошқарув раисининг меҳнат шартномаси муддатини тўхтатиш ёки узайтириш масаласи:*

*3. Жамиятнинг 2003 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан Аудитор хулосасини тасдиқлаш:*

*4. Жамиятнинг 2003 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш:*

*5. Жамият Кузатув кенгашининг 2003 йилдаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботини кўриб чиқиш:*

*6. Жамиятнинг 2003 йил молиявий – хўжалик ҳисоботи якуни бўйича жамият балансини тасдиқлаш:*

*7. Жамиятнинг 2003 йил молиявий – хўжалик ҳисоботи якуни бўйича даромадларни тақсимлаш ва дивидентлар миқдори ҳамда уни бериш тартибини тасдиқлаш:*

*8. Жамиятнинг 2004 йилги иш режа (бизнес план)ни тасдиқлаш:*

*9. Жамиятнинг 2004 йилга мўлжалланган даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлаш:*

*10. Жамиятнинг 2004 йил фаолияти учун жамият Аудиторини тасдиқлаш:*

*11. Жамият низомига ўзгартиришлар киритиш ҳақида:*

*12. Жамият ҳудудидаги ижарачилардан олинадиган коммунал хизматлари ва экспулатация харажатлари тўловларини тасдиқлаш:*

*13. Жамият ҳудудида ижарага берилган (бошқа ставкалар) жойлардан ундириладиган тўловларни тасдиқлаш:*

## «Қўйлиқ Деҳқон бозори» ОАЖ фаолиятининг йиллик ҳисоботи

(минг сўм)

| Актив | | Пассив | |
|---|---|---|---|
| Асосий воситалар | 423282,1 | Устав капитали | 316334,7 |
| Капитал қўйилмалар | 216465,3 | Резер капитали | 27225,4 |
| Ишлаб чиқариш | | | |
| заҳиралари | 33378,4 | Тақсимланмаган фойда | 4925,6 |
| Товарлар | 18743,8 | Мақсадли тушумлар ва фойдалар | 205000 |
| Пул маблағи | 25501 | | |
| Дебиторлар | 29009,7 | Кредиторлар | 155811,5 |
| **Жами** | **709297,0** | **Жами** | **709297,0** |
| | | **Соф фойда** | **48506,2** |

**Кузатув Кенгаши**



# БОРИ ЭЛГА ЯХШИЛИҒ ҚИЛҒИЛКИМ, МУНДИН ЯХШИ ЙЎҚ, КИМ ДЕГАЙЛАР ДАҲР АРО ҚОЛДИ ФАЛОНДИН ЯХШИЛИҒ

# «БИР-БИРНИ НЕЧА КУНИ ҒАНИМАТ ТУТУНГИЗ...»

## ЎзРФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти ўзбек мумтоз адабиёти тарихи бўлими мудири, филология фанлари доктори Иброҳим Ҳаққулов билан мулоқот



**–Иброҳим ака, Бобур ҳақидаги бир мақолангизда «Бобур биз учун энг ёрқин, энг маҳобатли бир юлдуз. Бу юлдуз ҳам жуда олис, ҳам беҳад юксак. Унинг завқбахш нури ҳеч қачон сўнмайди. Ана шу мусаффо нур бизу сизнинг онг ва идрокимизни ёришувига хизмат қилади. Бундан қарийб беш аср муқаддам шундай бўлган. Ҳозир ҳам шундай. Кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади», деб ёзгансиз. Айтингчи, Бобурнинг буюклиги шоҳлигидами ёки шоирлигида?**

–Дунёда Мирзо Бобурга ўхшаш шоҳ ва салтанат соҳиблари кўп бўлган. Лекин улар орасида айнан Бобурга ўхшайдиганлари йўқ. Шунингдек, тарихда шоирлик билан машғул бўлган ҳукмдорлар кам эди дейсизми? Улар орасида диди, савия, завқ ва истеъдод эътибори ила Бобурга тенглашадиганларини топиш қийиндир. Демак, Бобурнинг буюклиги, энг аввало, бетакрор ва беназир шахсиятида. Биласизки, Оллоҳ инсонни фақат бахтсизлик,

*Кўпдин бериким ёру диёрим йўқтур,*
*Бир лаҳзаву бир нафас қарорим йўқтур,*
*Келдим бу сари ўз ихтиёрим бирла,*
*Лекин боруримда ихтиёрим йўқтур.*

мусибат ва қийинчиликлар билан эмас, истеъдод ва бахт бериб ҳам, тахт бериб ҳам синайди. Бу синовлардан омон-эсон ўтиш, ҳаётий ва илоҳий имтиҳонлар чоғида мардона қад ростлаб, ҳақиқат, тўғрилик, шижоат йўлидан адашмаслик, бу – ниҳоятда оғир ва қийноқли иш. Ҳамма ҳам бардош беролмайди бунга. Барчанинг ҳам куч ва журъати етавермайди бунга. Шунинг учун бировлар тақдирнинг илк зарбасидаёқ ишонч-эътиқодидан йироқлашади. Қўрқув ва ночорлик айримларнинг шахсини синдириб, парчалаб ташлайди. Кимлардир «Замон сенга боқмаса, сен замонга боқ» қабилида иш кўриб, иккиюзламачилик, риёкорлик билан «зафар»га эришиш «усули»ни танлайди ва ҳоказо.

«Тангри таолонинг инояти билан ва Ҳазрати он Сарвари коинотнинг шафоати билан ва чаҳорёри босафоларнинг ҳиммати билан сешанба куни рамазон ойининг бешида саккиз юз тўқсон тўққизда Фарғона вилоятида ўн икки ёшта подшоҳ бўлдум»– дейди Бобур. Ўн икки ёшда подшоҳ бўлишни тасаввур этиш мумкин. Лекин омонсиз давр қуюнлари ўн икки ёшли тахт соҳибининг бошига ёғилиб келиши, замон унинг жангу жадаллар, қонли курашлар, хиёнат, жиноят ва мағлубият гирдобига ташлаши, узлуксиз равишда нотинчлик, меҳнат-машаққат ва бири биридан оғир, бири иккинчисидан қалтис хавф-хатарларга юзма-юз этиши – буни хаёлдан ўтказиш, қабул қилиш қийин, албатта. Бобур:

*Даврон мени ўткарди сару сомондин,*
*Айирди бир йўли мени хонимондин,*
*Гаҳ бошима тож, гаҳ балойи таъна,*
*Неларки бошимга келмади даврондин,–*

деганида мутлақо ҳақ эди. Бобур улуғ ақл, метиндай мустаҳкам ирода, ниҳоятда ўткир ва мунаввар фаросат соҳиби эди. У тангрининг инояти, Ҳазрат Расулуллоҳнинг шафоатига ҳамиша ишонган. Аммо даҳр ва даврон унинг руҳини эзиб, жонини чиғириқдан ўтказган онларда тахт даъвосидан кечишни, бошни олиб бирор ёқларга кетиш, ҳатто ўлимни сўнгги нажот деб ўйлаган. Бобур бу хусусдаги фикр ва туйғуларини ҳам асарларида очиқ-ойдин изҳор этади. Яъни томирларида жаҳонгирлик қони гупурган Мирзо Бобур ҳеч вақт ўзини енгилмас, мард, жасур қиёфада кўрсатишга уринмайди. Доимо борни-бор, йўқни-йўқ, оқни-оқ, қорани-қора дейди. Унинг мана бу фикрларига диққат қилинг:

*Ўлум уйқусиға бориб жаҳондин бўлдум осуда,*
*Мени истасангиз, эй дўстлар, кўргайсиз уйқуда.*
*Неким тақдир бўлса ул бўлур, таҳқиқ билгайсиз,*
*Эрур жангу жадал, ранжу риёзат барча беҳуда.*
*Ўзунгни шод тутқил, ғам ема дунё учун зинҳор,*
*Ки бир дам ғам емакка арзимас дунёйи фарсуда...*

Албатта, булар жангу жадал, ранжу риёзат, ғавғою надоматдан безган ва хаёлий бир осудаликка муҳтож кўнгулнинг гаплари. Айни пайтда унинг ўлимни хотирлаб, тириклик қувончини олқишлаши, дунё ҳақидаги орифона ҳукмига қойил қоласиз. Бобур деярли ҳеч бир масалага тор қарамайди. Уни ўзининг майл ва манфаатига мослаб ҳал қилмайди. Уни ахлоқий-диний, маърифий-ҳуқуқий асосларидан ажратмайди.

Хуллас, Шахси - фазилатларга бой, эътиқоди бут, элпарвар, ҳаётсевар ва маърифатли бир ҳукмдор бўлса, Бобурдай бўлади. Бир қўлида қилич, бир қўлда қалам ушлаб ёвузлик, разолат, тубанлик, жаҳолат ва хиёнатга қарши борган алп бир курашчи бўлса, Бобур қадар бўлар.

*Кўнгли тилаган муродиға етса киши.*
*Ё барча муродларни тарк этса киши,*
*Бу икки иш муяссар ўлмаса оламда,*
*Бошни олиб бир сариға кетса киши.*

**–Бу оламда ҳар бир нарса сир-синоатга тўла. Уни англаб етмоқ учун инсонда ақл, тафаккур, билим билан бирга кўнгил кўзи ҳам очиқ бўлмоғи керак. «Ғунчадек кўнглум манинг...» деб фиғон чеккан Мирзо Бобур ижодини ёритиб турган шуъла унинг дилбар қалби – минг бор синсада, яна қалқиб чиққан қуёшдек порлоқ кўнгли эмасми?**

–Шеърият – бошқа олам, сиёсат – бошқа олам. Шоирлик – бошқа бир ҳунар, шоҳлик – мутлақо бошқа бир фаолият. Салтанат йўли – ақл, тадбир, ҳуқуқ, қонун, ҳукмронлик йўли. Шеърият йўли – руҳ, кўнгил, тахайюл, нафосат ва гўзаллик йўли. Шеърият онг қашшоқлиги, қалб дарди, руҳоний саёзлик, тафаккур равнақига чора ахтаради. Сиёсатни эса ижтимоий, иқтисодий, мафкуравий, ҳуқуқий муаммолар кўпроқ қизиқтиради. Сиёсатчининг тили – ақл ва мантиқ тили, шоирнинг тили – кўнгил ва туйғу, нафосат ва гўзаллик тили. Шунинг учун шоирнинг ақли ҳам, мантиқий мулоҳазалари ҳам эстетик мушоҳада ёки идрокка албатта бўйсунади. Акс тарзда образли тасвир тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Ана шу сабабларга кўра ҳам шоирликни шоҳлик билан, шоҳликни шоирлик билан бирлаштириш жуда мушкулдир. Тўғри, Шарқда шеър ёзган, шоир сифатида тарихда из қолдирган подшоҳлар бисёр бўлган. Аммо уларнинг кўпчилигида шоирлик мақоми ҳукмдорлик мавқеидан паст туради. Бобурда бундай эмас. Бобурнинг шоҳлиги на истеъдоди, на ижодий қиёфасига соя ташлолмайди. Аксинча, ҳукмдорлигини илмий-ижодий, фикрий-маърифий фазилатлар бойитади. Бобур подшоҳлик билан шоирлик рост келавермаслигини яхши билган. Бобур ўз мемуарида зоҳирий сафар, саргузашт ва курашларини баён этган. Шеърларида эса у кўнгил ва руҳ саёҳатига дахлдор маъно ҳамда туйғуларни тасвирлаб беради. Чиндан ҳам кўнгил Бобур маънавий ҳаётининг энг сўнмас, энг кўркам водийси эрур...

*Сочининг савдоси тушти бошима бошдин яна,*
*Тийра бўлди рўзғорим ул қаро қошдин яна.*

*Мен худ ул тифли парийвашга кўнгул бердим, вале*
*Хонумоним ногаҳон бузулмагай бошдин яна.*

*Юз ямонлиғ кўруб андин телба бўлдунг, эй кўнгул,*
*Яхшилиғни кўз тутарсен ул парийвашдин яна.*

*Тош урар атфол мени, уйида фориғ ул парий,*
*Телбалардек қичқирурмен ҳар замон тошдин, яна.*

*Оёғим етгунча Бобурдек кетар эрдим, нетай,*
*Сочининг савдоси тушти бошима бошдин яна.*

**–Тасаввуф гўзал ахлоқ ва руҳий баркамоллик таълимоти. Шу билан бирга қалбни қувватлантириб, кўнгилни ғуборлардан тозалаб, латифлаштирувчи тажрибадир. Бобурнинг тасаввуф дунёси билан алоқаси борми, бўлса у қай даражада? Орифлик Бобур шеъриятининг жозибасими ёки тасаввуфий завқ ҳосиласими?**

–Ҳақиқатан, тасаввуф гўзал ахлоқ, руҳий баркамоллик таълимоти. Тасаввуфда Оллоҳ ва инсон муносабати, комиллик ва илоҳий бирликка эришиш муаммолари асосан Ишқ ва Кўнгил сирларини очиш йўли билан ҳал қилиб берилади. Бу сирлар шу даражада нафис, жозибали ва теранки, бефарқ қолишнинг иложи ҳам, имкони ҳам йўқ. Тасаввуфий ҳаёт – кўнгил ҳаёти. Бу ҳаётнинг замини маърифат, самоси руҳоният, қуёши ишқ, моҳияти ошиқликдир. Ошиқлик, биринчи навбатда, гўзаллик тасарруфидаги ҳол соҳиби бўлиш деганидир. Шунинг учун тасаввуф илми «илми ҳол» ҳам дейилган. Ишқдан туғилган, маърифат ва ҳақиқат қучоғида парвариш топган, дард ва изтироб оташида тобланган ҳол камолини бир тасаввур этинг! Аниқ ишонаманки, дунёнинг бирор бир қўполлиги, саёзлиги, ёвузлик ва чиркинлигини қабул қилолмайсиз. Ҳол завқи руҳни қувватлантиради. Руҳ нима қилади? Ишқ ва гўзаллик, меҳр ва эзгуликка «мулозим» бўлишга ярамайдиган барча ҳис, барча нафсоний майл ва эҳтирослардан кечишни талаб этади. Бу ҳақда ўйлаганда Бобурнинг муножот оҳангида битилган бир рубоийси беихтиёр ёдга келади:

*Руҳум яратиб эдинг латофат бирла,*
*Қилдинг анга танни ҳамроҳ офат бирла,*
*Руҳумни чу тан эвига келтурдинг пок,*
*Мундин бори элитма касофат бирла.*

Дарҳақиқат, руҳнинг вужуддаги ҳамроҳи бир офат бўлиб, у нафсу ҳаводур. Руҳ латифлигини нафс касофатидан муҳофаза айлашга уриниш – тасаввуфий ҳаёт тажрибасидан баҳс юритишнинг айни ўзи ҳисобланади. Тасаввуф таърифланган бир шеърда:

*Тасаввуф ёр бўлиб, бор бўлмасликдир,*
*Тасаввуф гул бўлиб, хор бўлмасликдир,*

дейилади. Бу фикрнинг содда баёни мана бундай: тасаввуф бу – одамлар билан дўст, ёр, ҳамдам бўлиш, лекин ҳеч бировга бор, яъни юк ва оғирликни ташламаслик: тасаввуф – борлиғингни гул каби гўзаллаштириб, ҳеч бировни ранжитиб, унга тиканга ўхшаб зарар етказмаслик.

Мана шу ҳақиқатни англаган киши тасаввуфнинг асл моҳиятини билишда чалғиб кетмайди, деб ўйлайман. Афсуски, чалғишлар кўп бўлаётир. Бобур шеъриятини ҳам кўр-кўрона ва зўракилик билан тасаввуфлаштиришга уринишлар борки, буни асло қувватлаб бўлмайди. Тасаввуфий мавзулар вақт-вақти билан Бобурнинг диққат-эътиборини ўзига тортган. Лекин у ҳеч вақт бу мавзуларни ёритишда бир суфий ёки дарвеш ўлароқ қалам тебратмаган. Бобур ғазалларидан бирида:

*Жафодур жонга, бўлмоғлик муқайяд олам аҳлиға,*
*Хуш ул озодаким элнинг аросидин канор этса,–*

деб ёзади. Бундоқ қаралганда, шоир ушбу байтда ёлғизлик, узлат, хилватнишинлик майлини тарғиб этаётганга ўхшайди. Аммо қийин бир вазият, мураккаб бир шароит таъсирида туғилган бундай ҳолат ёки кайфиятлар Бобур учун ўткинчи эди. Аксарият ҳукмдорларга хос ёлғизланиш ва танҳолик балосидан балки Бобур ҳам қочиб қутилолмагандир. Балки шу учун ҳам:

*Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим,*
*Кўнглимдин ўзга маҳрами асрор топмадим,–*

дея ҳасратини қоғозга тўккандир. Лекин булардан қатъи назар, Бобур одамға интилиб, бир умр эл меҳрини дил чароғи этиб яшаган. Унинг рубоийларида «аҳбоб» сўзи тез-тез такрорланади. Улардан бир нечасида, «Аҳбоб унутмаса керак аҳди қадим»: «Аҳбоб, фироқингиз била эл нетгай»: «Аҳбоб йиғинидин неча мен қолгаймен»: «Аҳбобки базмида гулистон хостур»: каби мисралар битилган. Бошқа бир рубоийда эса чин дўстларнинг йиғинини – фароғат, шундай анжуманнинг мавжудлигини – давлат деб билишини айтади:

*Аҳбоб, йиғилмоқни фароғат тутунгиз,*
*Жамъиятингиз борини давлат тутунгиз,*
*Чун гардиши будур, тенгри учун,*
*Бир-бирни неча куни ғанимат тутунгиз.*

Инсон фарзанди, ҳеч бўлмаганда, «неча кун» қадар қисқа умрида бир-бирини ғанимат билишни ва ғаниматлик туйғуси ила бир-бирини қадрлашни уддалай олса эди, инсоният меҳрсизлик, бағритошлик, қаҳру ғазабдан бу қадар қақшамаган, кулфат ва мусибатдан бунчалик инграмаган бўлурди.

Бобур ориф шоир. Унинг маърифати ҳаммадан аввал одамни ва одамиятни тушунишга қаратилган. Унингча, одамни англаш - одамнинг дарди, ҳоли ва қадрини англашдир:

*Бедард ҳабиб билмади дардимни,*
*Туфроқча кўрмади руҳи зардимни.*
*Мендин неча кўнглида ғубори бўлғай,*
*Кетдим муна эмди топмагай гардимни.*

Бундай самимий, табиий ва ҳикматли мисралар ўқувчини китобий, сунъий, ялтироқ ва баландпарвоз сўзлардан тўқилган шеърларга қайрилиб ҳам қарамасликка ўргатади. Бу ҳам жуда муҳим, албатта.

**— Бобур рубоийлари билан адабиётимизда янги саҳифа очди. Ойбек «Бобур рубоийлари шоир поэзиясининг чўққисидир»**

*Бу олам аро ажаб аламлар кўрдум,*
*Олам элидин турфа ситамлар кўрдум.*
*Ҳар ким бу «вақойиъ»ни ўқур, билгайким,*
*Не ранжу не меҳнату не ғамлар кўрдум.*

**деганда нимани назарда тутганди? Умуман, Бобур рубоиётидаги ғоявий-бадиий ўзига хослик нималарда яққол кўзга ташланади?**

— Абдулла Авлоний, «Ақл инсонларнинг пири комили, муршиди ягонасидир. Руҳ ишловчи, ақл бошловчидир», - дейди. Бу фикрга умуман эътироз бўлиши мумкин эмас. Оллоҳдан ҳам «Ё раб, дунёда Аршингдан улуғ ва қудратлироқ нимани яратдинг?» деб сўралганда, «Ақлни, Аршни кўчиб бўлмаганидек, ақлнинг ҳам сир-синоатига етмоқ душвордир», - деган экан. Ақли кулл, яъни ақли илоҳий хусусиятларидан сал-пал воқиф киши ушбу эътирофга юз фоиз ишонади. Афсуски, биз ақл тўғрисида ҳам мукаммалроқ бир билимга эга эмасмиз. Руҳ хусусида-ку гапиришга ҳам ҳожат йўқ. Шу боисдан тасодиф ва муваққатлик, шошқинлик ва худнамолик бизни кўп ўйнайди, сарсону саргардон қилади. Бобур ишқ ва кўнгил ҳақида нечоғлик кўп сўзламасин, кўнгил йўлбошчилигини қанчалик тан олмасин, барибир Ақли куллга суянган, шу ақлни ўзининг бош муҳофизи деб билган. Шу боис унинг ҳис-туйғулари, ғаму ҳасратларида бирор бир майдалик сезмайсиз. Бобур зулму ситами, найрангу ёлғонларининг ниҳояси йўқ дунёнинг қоқ ўртасида туриб, кўнгил эшигини унга очмайди. Чунки дунё уни танимаса ва тан олишни истамаса-да, буюк ақл соҳиби, беназир мутафаккир ўлароқ у дунёни танийди ва ҳукмини ҳам яширмайди:

*Арзимас ғам емакка бу дунё,*
*Бал отни ҳам демакка бу дунё.*

Дунё-ку на ғам, на эъзозга арзимас экан, арзирлиси нима? Бобурнинг дилбар шеъриятидаги ғазал ва рубоийларнинг ҳар бири гўё мана шу саволга бир жавобдир. У аҳли жаҳондан яхшилик кутмайди. Замондан яхшилик чиқмаслигини билади. Бироқ яхшиликнинг шарофати ва истиқболига ишончдан чекинмайди, чекинмаслик зарурлигини ҳам таъкидлайди:

*Ёд этмас эмиш кишини ғурбатда киши,*
*Шод этмас эмиш кўнгулни меҳнатда киши.*
*Кўнглум бу ғарибликда шод ўлмади, оҳ,*
*Ғурбатда севинмас эмиш, албатта, киши.*

*Бори элга яхшилиғ қилғилким, мундин яхши йўқ,*
*Ким дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ.*

Бобур Шарқ шеъриятининг қадимий жанри бўлмиш рубоийнинг маъно олами, руҳи ва оҳангларини янгилай олган эди. У рубоий шаклининг имконият ва талабларига асосланиб ўзбек рубоиётини янги тақдир, янги фикр-қараш, янги-янги образли тасвир ва бадиий бўёқлар билан бойитди. Бобурнинг рубоийлари - унинг дил изҳори, дард, ҳасрат ва армонларининг очиқ баёни, юрт ҳижрони, давр, замон ва инсон толеи ҳақидаги ишқий, фалсафий, ирфоний мушоҳадаларининг ҳаққоний ифодасидир. Шу маънода Бобур рубоийларини қанча юқори баҳоласа ҳам арзийди. Бобур рубоийлари севилиб ўқилади. Улар тўғридан-тўғри юракка кириб боради. Ақл-идрокни нурлантиради. Ўзингни таниш, мавжуд аҳволингни билишда адашмасликка ўргатади. Маънавий-руҳий қувват қайноқларини очади. Ақл-ҳуши, фаҳм-фаросати жойида бўлган ҳар бир ўзбек мана шу учун ҳам шукрона айтишга бурчлидир. Албатта, Бобур рубоийларини ўқиганда буюк бир армон ва соғинч ҳисси дилни ўртайди. Ўз майдалигинг, бечоралигингдан қаёнга қочишни билмай қоласан. Шунда сени ўйлатадиган, суяйдиган қадрдон сўзлар хотирага келади:

*Не чора қилай, нетайки, тенгри гўё,*
*Меҳнатни менга ёр этти, меҳнатқа мени...*

**— Тарих инсон учун руҳий қувват бўлиши билан бирга катта сабоқ мактаби ҳамдир. Айтингчи, биз «Бобурнома»ни фақат тарихни билиш, мозийда бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалардан сабоқ чиқариш учун ўрганишимиз керакми ёки унинг бошқа муҳим сабаблари ҳам борми?**

— «Бобурнома» - бошдан-охир ҳаёт китоби, реал ҳаётда кечган, лекин маъно-мазмуни беҳад хилма-хил воқеа-ҳодисалар тасвирланган қомусий китобдир. Унинг қомусий характери муаллифининг қомусий иқтидори ва салоҳиятидан юзага чиққан. Айни пайтда, «Бобурнома» Шахснинг тарихдаги роли, ўзига хос хизмати, кураш йўли, маслак ва матонатини кўрсатувчи ибратли асар ҳисобланади. Ундаги марказий қаҳрамон, албатта, Мирзо Бобур. Шунинг учун ўн икки ёшида Фарғона тахтига чиққан ўспирин шаҳзоданинг Шахс сифатидаги шаклланиши, мустақил ва мустаҳкам бир давлат бунёд этиш мақсадидаги амаллари ва подшоҳлик тақдирини ўқувчи қизиқиш билан кузатиб, янада кучлироқ қизиқиш ила билиб, мушоҳададан ўтказиб боради. У кузатган, билган, ёқлаган ёки инкор айлаган воқеа-ҳодиса ва маълумотларнинг айтарли барчаси, энг аввало, Бобурнинг кимлиги, инсоний моҳиятининг туб замини ва илдизлари нималарга асосланганини чуқур англашга хизмат қилади. Бунда Бобур характеридаги очиқлик, холислик, тўғрилик ва жавонмардликнинг жозиба қувватини эсга олмасликнинг иложи йўқ. Муддао янада равшанлашиши учун бир мисол келтирмоқчиман. Абдулла Қодирий «Ўтган кунлар» романида Отабекнинг «Бобурнома»ни ўқиши ҳақида сўзлайди. Нега бошқа бир асар эмас, айнан «Бобурнома» танланган? Биринчидан, қай бир зайилда Бобур ва Отабек қисматдош. Бобур тожу тахт учун жангу жадал қилса, Отабек бахт учун олишади. Бобурга қарши сиёсий адоват ва душманлик қилич кўтарган бўлса, Отабек иғво, фитна, ҳасад бандаларининг пичоғига кўксини қалқон қилган ва ҳоказо. Отабек фитна, адоват боис ўлимга ҳукм этилганда ҳам таҳликага тушмайди, қўрқиб-қақшамасдан хон ҳузурида «Ҳақсиз жазо» дея эътироз билдиради. Энди айтинг, Отабекнинг сийратида қўрқоқлик, номардлик мудраб ётганида ёки «айбдор» сифатида хон қаршисида титраб-қақшаб ўзгача аҳволга тушганида, унинг «Бобурнома»ни ўқиши оқлармиди ўзини? Мутлақо оқламасди. Демоқчиманки, кечмиш тарихни, адабиёт, илм-фан, маданиятимизни билиш учун «Бобурнома»ни ўқиб-ўрганиш зарур. Лекин борлиғимизни бири биридан увоқ, бири биридан ўткинчи майллар таъқиб этиб турса, ҳурлик ва ростликни шарафлаб, ёлғон ва мутеликдан ҳижолат чекмасак, ичимизда номардлик, сотқинлик, ҳашакилик туйғулари яшнаб турсаю, Бобурнинг жасорат ва жавонмардлигини мадҳ айласак - бундай ҳолатда «Бобурнома»даги бош моҳият, бош ҳақиқат, маънавий-руҳий қудрат сир-асрорини кашф этолмай, сўз ва ҳарф чайнашдан нари боролмаймиз. «Бобурнома»га ўхшаш китобларни мутолаа қилганда, «Қандай ўқиш керак?» деган саволга асосланиш камлик қилади. Бунга «Ким бўлиб ва нимани кўзлаб ўқиш керак?» деган савол ҳам қўшилмоғи лозим, албатта.

**Бобур — дилбар шахс... Уйғониш даврининг типик ҳукмдори, мард ва тадбиркор одам бўлган.**

**Жавоҳарлаъл Неру**

**Бобур ботирлигининг чеки бўлмаган: унинг бутун ҳаёти жасорат намуналари билан тўлиб-тошиб ётибди.**

**Н.И.Веселовский**

*Сен гулсену мен ҳақир булбулдурмен,*
*Сен шуъласену ул шуълага мен қулдурмен,*
*Нисбат йўқтур деб ижтиноб айламаким,*
*Шаҳмен элга, вале санга қулдурмен.*

**— Бобур қалбида армонларга қоришиқ Ватан яшаган. Шу боис унинг қайғусида киши ўз қайғусини, унинг қалбида ўз қалбини кўради. Бобурни ўқиганинг сайин Ватан - Ўзбекистон меҳри юрагингни иситади. Шоирнинг тажриба-ю сабоқлари йўлингни ёритади. Оддий бир гиёҳ ҳақида ёзганда ҳам Ватан сийрати ва сурати акс этади. Унинг асарларида шаклни мазмундан ажратиб бўлмайди. Адабиётшунос олим сифатида Бобур ижодини ўрганиш бўйича олиб борилаётган ишлардан кўнгилингиз тўладими?**

— Фанимизда навоийшунослик сингари бобуршунослик деган мустақил тармоқ бор. Бу бир-икки кишининг меҳнати билан юзага келган бир илм тармоғи эмас. Унга жуда кўп олимларимиз ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишган. Бу ўринда барча бобуршуносларимизнинг исм-шарифлари ва тадқиқотларини номма-ном санашнинг имкони йўқ. Лекин Бобурнинг ҳаёти ва ижодиётига бағишланган тадқиқотларнинг аксариятини мен қадрлайман. Маълумки, шўро замонида Бобур ҳақида ҳамма гапни бемалол очиқ-ойдин айтиш ва ёзишнинг иложи йўқ эди. Ҳозир сиёсий тўсиқ ва назоратлар барҳам топди. Демак, илм майдони эркин. Шунинг учун юксак савия, фидойилик билан янги-янги тадқиқотларга қўл уриш зарур. Чунки Бобурнинг илмий ва адабий мероси маданиятимиз, маънавиятимиз, маърифатимизнинг бебаҳо хазинаси эрур.

**«Бобурнома» 4 марта инглиз, 3 марта француз, 1 марта немис тилига ўгирилиб нашр этилди. Унга асосланиб Бобурнинг ҳаёти ва фаолиятини ёритувчи ўнлаб бадиий асарлар яратилди. Булар орасида франциялик Флора Анна Стилнинг «Бобурхон» (Париж, 1940), Фернард Гренарднинг «Бобур» (Париж, 1930), АҚШлик Харолд Лембнинг «Бобур-йўлбарс» (Нью-Йорк, 1961) романлари, Вамбер Гасконининг «Бобур ва унинг авлодлари ёки Буюк Мўғуллар» (Нью-Йорк, 1980) эссе-романлари бор. Ҳиндистонлик Муни Лаъл Бобур ва бобурийлар ҳақида 6 та роман ёзган.**

**Суҳбатдош: Амина ҚОДИРОВА,**
**«Ишонч» мухбири**

